

Date: 9thFebruary-2025

МИРЗО БОБУР ИЖОДИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Расулова Камола Ҳазраткуловна

Зарафшон шаҳар 2-сонли политехникуми тарих фани ўқитувчisi

Эргашева Малоҳат Фахриддин қизи

Зарафшон шаҳар 2-сонли политехникуми тарих фани ўқитувчisi

Аннотация: Ушбу мақолада атоқли давлат арбоби шоҳ ва шоир Захиридин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, ватанпарварлик ҳис-туйғулари, ватан соғинчи ҳамда халқпарварлик, инсонпарварлик сиёсати ҳақида ёритилган бўлиб, унинг бой мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги ҳвқидқ келтириб ўтилган.
Калит сўzlар: Бобур, ватан, ватанпарварлик, муҳаббат, маданият, юрт, соғинч, неъмат, давлат, сулола, бобурийлар, марказлашган.

Захиридин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга, истеъодли шоир, адаб, донишманд тарихчи, зукко географ, заковатли олим ва таржимон, миллий маданиятимиз ва маънавиятимиз фидоийсидир. Мирзо Бобур инқирозга юз тутган темурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борган давлат арбобидир.

Тақдир Бобурни Мовароуннахри тарқ этишга мажбур этди. Тарихда 332 йил хукмронлик қилган Бобур ва бобурийлар сулоласи даврида Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Кўплаб ариқ ва каналлар қазилди сувсиз ерларга сув чиқарилди, экин майдонлари кенгайтирилиб, боғлар барпо этилди, турли бинолар, йўл ва қўприклар, мактаб, мадрасалар, жумладан, дунёда мисли йўқ тарихий обида, жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири – Тож Маҳал каби мақбаралар бунёд этилди.

Бобур ўзининг ватанпарварлик ва халқпарварлик ҳақидаги оташин нутқлари, мурожаатлари, сехрли, жозибали сўzlари ва шеърлари билан одамлар қалбини ром этиб бунёдкорлик ишларини ақл-идрок ва донишмандлик билан асосида амалга оширган давлат арбобидир.

“Бобур бекиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва диний мутассибликтан йирок эди, вайронагарчилик билан шуғулланмади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқар, ўзи туркий ва форс тиларда шеърлар битар эди. У гуллар ва боғларни севар ва жазира маънавиятимизни ўзига келиб беради. Бобурни тарихини тез-тез эслаб туради: “..бинафшаси бисёр латиф бўлур ... қалин лола ва гуллар очилур”, деб хотирлайди у эсадаликларида”.¹

“Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қилган Уильям Эрскин Осиёдаги подшоҳлар ичida саховатлилиги, мардлиги, истеъоди, фанга, санъатга муҳаббати, Ватанни севиши жиҳатидан Бобур Мирзога teng келадиган подшоҳни топиб

¹ Ж.Неру. Дунё тарихига назар. – Жаҳон адабиёти, 1997, 4-сон, 181-б.

Date: 9thFebruary-2025

бўлмайди дейди: “Бобур Шарқ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган хукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олийжаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган. Ҳали ёш болалигига ёк, Фарғона тахтига чиққанда, атроф мамлакатларнинг тахтига султон ва хонлар ўтирас эди. У ҳали йигитлик даврида ёк у султонлардан биронтаси қолмади. Улар саройдаги фитналар ёки бўлмаса четдан келган босқинлар қурбони бўлдилар. Ўша шафқатсиз шамоллар Бобурни ҳам узоқ элларга элтиб ташлади. Лекин қонидаги гайрат-шижоат ва ирода кучи туфайли ана шу ҳаёт бўронларига бардош бериб, ундан устун келган яккаю ягона темурий Бобур эди”.¹

Кунлардан бир кун Бобурга Фарғона сувиу тупроғида униб-ўсган ва ўша сахий водий қуёшида пишган қовун келтиргандаридан у қовунни сўятуриб аччиқ-аччиқ йиғлаган экан.¹ Бу бир қарч қовун, бир шингил узумга муҳтоҷлик эмас, балки юрт меҳрига бўлган чексиз соғинчи, беадад меҳр-муҳаббатидадир.

Бобур ўз юртини қолдириб, ғайри элларга кетишини ўзи учун бир “хатолик”, “юз қаролик”, деб билиб, ғариблиқда юрган кишининг кўнгли шод бўлмаслигини қайта-қайта такрорлаб, бир рубоийсида шундай дейди.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини меҳнатда киши.
Кўнглим бу ғариблиқда шод ўлмади,
Оҳ ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши

Маълум сабабларга кўра ўз юртини ташлаб, ўзга мамлакатларда ғурбатда, икки жаҳон овораси бўлиб юрганлар сингари Бобур ҳам Ватанини Худо берган неъматларнинг энг улуғ, энг аълоси ва муқаддаси, деб таърифлайди. Бегона юртларда иши бароридан келиб, шоҳу султон бўлиб, кам-кўстлик нелигини билмасдан юрган бўлса ҳам, лекин ўз юрти, диёри йўқлиги, Ватанидан олисдалигидан ўксинади, дили шод-хуррам бўлмайди, Ватан меҳригиёси уни ўзига ҳар дақиқа ва ҳар сония тортиб туради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Бобур ижодида ватан ишқи, ватанпарварлик гоялари етакчи ўрин эгаллайди. Унинг асарлари, лирик шеърлари ва рубоийларида инсон учун Ватандан азиз ва муқаддас, ватандек олий, илоҳий неъмат йўқлиги, одам учун нимаики муқаддас бўлса, барчаси ватан билан мўътабарлиги такрор ва такрор уқтирилади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк фалсафий таълимоти ватанга иймон-эътиқод билан боғлиқлиги ва ўз диёридан ўз ихтиёриила воз кечмаганлигидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ж.Неру. Дунё тарихига назар. – Жаҳон адабиёти, 1997, 4-сон, 181-б.
2. Ульям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Т.: “Чўлпон”, 1985, 102-103-бетлар.
3. F.Сотимов “Ўрта Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлардаври”, Тошкент.:2009 у.

¹ Каранг: Ульям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Т.: “Чўлпон”, 1985, 102-103-бетлар.